2011, -N1-51 1 экз. I — XII Переплет 2011


# КУЧ — АДОЛАТДА

2011 йил, 6 январь, пайшанба
№ 1 (307)

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг ҳуқуқий газетаси | http://www.supcourt.uz | 1998 йил 29 августдан чиқа бошлаган.


## Қадами қутлуғ йил

**ЯНГИ ЙИЛ бу гал юртимизга ҳар қачонгидан ҳам кўтаринки кайфият, ўзгача тароват ва жозиба билан кириб келди. Албатта, бу юртимиздаги тинчлик, осудалик, бунёдкорликнинг бир меваси бўлиб, мамлакатимизнинг тобора тараққий этаётганидан далолатдир, десак, асло хато бўлмайди. Масалан, ўтган йилда аҳолининг реал даромадлари 23,5 фоизга, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори 32 фоизга кўпайгани халқимизнинг фаровонлиги тобора ошиб бораётганини кўрсатади.**



Халқимиз учун энг улуғ, энг буюк неъмат ҳисобланган Мустақиллигимиз яна бир ёшга улғайди, унинг йигирманчи йили қарши олинадиган 2011 йилнинг шундай шукуҳ билан кириб келиши ҳам бежиз эмас. Бугун жаҳонда ўз ўрнимиз, ўз сўзимиз ва ҳеч ким инкор қила олмайдиган тараққиёт моделимиз борлиги ана шу юксак марраларни кўзлаб қилинган фидокорона меҳнатлар самарасидир.

Халқимиз осудалик, тинчликни нечоғлик қадрласа, байрамларни ҳам шундай яхши кўради. Айниқса, янги йил ҳар бир оилада тўкин дастурхон атрофида кўтаринки кайфият ва яхши ниятлар ила қарши олинади. Бу йил ҳам шундай бўлди. Эътиборлиси, давлатимиз ва ҳукуматимиз томонидан белгиланган чора-тадбирларнинг изчил таъминлангани байрамни осойишталикда кутиб олишимизга замин яратди.

Янги — 2011 йил кириб келишига саноқли дақиқалар қолганда телеканалларимиз орқали давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон халқига Янги йил табриги ўқиб эшиттирилгани юртдошларимиз кайфиятини янада кўтариб юборди. Ундаги қуйидаги сўзлар ҳар бир кўнгилга ҳамоҳанг тарзда жаранглади:

**“Мана шу ҳаяжонли дақиқаларда байрам дастурхони атрофида жамулжам бўлиб ўтирган сиз азизларни, бутун Ўзбекистон халқини кутлуғ қадами билан юртимизга кириб келаётган янги — 2011 йил билан самимий муборакбод этиш ва энг эзгу тилакларимни билдиришдан бахтиёрман”.**

Чиндан-да, кириб келган янги йилнинг қадамлари бу йил ўзгача. У катта-ю кичикнинг кўнглини тўлдириш билан бирга улуғ мақсадлар сари ҳам чорламоқда. Айни пайтда давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **“Якунига етаётган йилни кузатар эканмиз, бугунги шиддат билан тез ўзгараётган замонда, аввало, ён-атрофимизда юз бераётган нотинчлик ва беқарорлик, қарама-қаршилик туфайли вазият тобора кескинлашиб, мураккаблашиб бораётган бир пайтда мамлакатимизда тинчлик ва осойишталик, осуда ҳаётни сақлаш, жамиятимизда кучайиб бораётган ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат, миллатлар ва элатлар ўртасидаги тотувлик ва ҳамжиҳатликнинг қадрига етиш, асраб-авайлаш нақадар муҳим эканини яна ва яна қалбимиздан, юрагимиздан ўтказамиз, десам, ўйлайманки, ҳақиқатни айтган бўламан».**

Дарҳақиқат, 2010 йилда айрим давлатлар жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсиридан ҳамон чиқолмаганига, баъзилари эса нафақат иқтисодий, балки сиёсий жиҳатдан ҳам инқирозга юз тутганига гувоҳ бўлдик.

(Давоми иккинчи бетда)

*Istiqlol va imkoniyat*

## Адвокатура институти:

### инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида

**Ҳеч кимга сир эмаски, мустақиллигимиз шарофати билан ўз тақдиримизни ўзимиз белгилашдек улкан, бебаҳо неъматни қўлга киритдик. Истиқлолимизнинг ҳар бир йили мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш, халқ фаровонлигига эришиш, иқтисодий-ижтимоий, сиёсий барқарорликни таъминлаш борасидаги ютуқларга бой бўлаётир.**

Мустақиллик йилларида барча соҳалар қатори суд-ҳуқуқ тизимида ҳам кенг кўламли ислоҳотлар олиб борилди. Бунда, аввало, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги **«Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»** номли маърузаси юртимизда фуқаролик жамиятини барпо этишнинг янги босқичини бошлаб берди.

Маърузада таъкидланганидек, мустақилликнинг дастлабки йилларидан бошлаб суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилган ислоҳотлар натижасида кейинги ўн йилликда миқёси ва аҳамияти жиҳатидан ниҳоятда кенг қамровли ишлар амалга оширилди.

Биргина 2008 йилда **«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада ғоят муҳим аҳамият касб этди. Ушбу қонунда адвокатнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилиш, унинг ўз ҳимояси остидаги шахсга нисбатан позициясини ўзгартириш мақсадида ҳар қандай шаклда таъсир ўтказишга қаратилган хатти-ҳаракатлар учун жавобгарлик белгиланди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, адвокатурани ривожлантириш, унинг жамият ҳаётида тутган ўрни ва ролини ошириш, айблов ва ҳимоянинг тенглигини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланганлиги ҳар бир адвокатда чексиз ғурур уйғотади ва ўз навбатида, улкан масъулият ҳам юклайди.

Агар мустақиллик солномасига назар ташласак, шахс манфаатлари, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим фуқаролик институти бўлган адвокатура тизими ривожи Президентимиз раҳнамолигида узвий равишда, босқичма-босқич амалга оширилиб келинаётганлигини кўриш мумкин. 1996 йилда мамлакатимиз тарихида илк марта **«Адвокатура тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди.

(Давоми иккинчи бетда)

*Saboq*

**Юртимиздаги барқарор тинчлик-осойишталик халқимизнинг фаровон ҳаётини таъминламоқда. Бунда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идораларнинг ҳам салмоқли ҳиссаси борлигини таъкидлаш жоиз. Зотан, мамлакатимизда ҳамма нарса инсон эркинлиги ва манфаатларини таъминлашга қаратилган бўлиб, ҳуқуқ-тартибот идораларининг асосий мақсади ҳам фуқароларнинг тинчлигини асраш, манфаатлари бузилишининг олдини олишдан иборатдир.**

## Ёлғон хабар бериш

### ушбу жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?

Аммо ҳамма ҳам бирдек тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик каби неъматнинг моҳиятини чуқур англаяпти, деб бўлмайди. Чунки ҳаётда нопок йўлларни танлаб, шу орқали мўмай даромад топиш илинжида, шунингдек, ҳасад, ўч, гина-кудурат туфайли бировга туҳмат қиладиган, тегишли идораларни ёлғон маълумот ва хабарлар билан чалғитадиган кимсалар ҳам учраб туради.

(Давоми иккинчи бетда)

*Qonun barchaga barobar*

## Асосли даъво

### қонуний ечимини топди

**Бошқа соҳаларда бўлгани сингари мулк-мулкни тасарруф этишнинг ҳам муайян тартиб-қоидалари бор, албатта. Бинобарин, қонун доирасида иш тутган кишининг ҳуқуқлари, шу жумладан, мулк ҳуқуқи ҳам доимо ҳимоя қилинади. Белгиланган қонун-қоидаларга нисбатан эътиборсизлик эса, ҳеч шубҳасиз, ортиқча оворагарчиликка олиб келади.**

Энг ёмони, бундай лоқайдлик одамлар ўртасидаги ўзаро ишонч ва ҳурматга ҳам путур етказиши ҳеч гап эмас. Масалан, кўп йилдан буён чўзилиб келаётган бир уй-жой можаросининг асл сабаби ҳам тартиб-қоидаларга лоқайдлик билан муносабатда бўлганлик билан изоҳланади.

Гап шундаки, ғузорлик Холмўмин Нормуродов туман марказидаги 6-уйнинг ўзига тегишли бўлган 2-хонадонини 1996 йили танишисини Пирмат Шариповга 1 миллион сўмга сотади. Аммо турли сабаблар билан уйнинг олди-сотди шартномаси расмийлаштирилмай қолади.

Бу орада Х.Нормуродов қўшни вилоятга ишлашга кетади. Шундан сўнг у П.Шариповнинг талаби билан 2002 йилда юқорида таъкидланган хонадонни сотиш ҳуқуқини давлат нотариал идораси орқали ишончнома асосида унга беради.

Ўзига тегишли ваколатдан фойдаланган П.Шарипов уйни Дилдора Нурмоновага 1 миллион 500 минг сўмга сотиб, ушбу хонадоннинг давлат ордери ва кадастр ҳужжатларини беради. Шундан сўнг Д.Нурмонова бу уйга фарзандлари билан кўчиб киради.

(Давоми учинчи бетда)

*Yangi qonun mohiyati*

**Маълумки, мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий соҳадаги ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисми сифатида суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик базасини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, 2009 йил 17 апрелда эълон қилинган “Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида”ги қонун мамлакатимизда суғуртанинг ушбу соҳасини тартибга солиш ва ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлади.**

## Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

### бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилди

Иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурталашнинг жорий этилиши ходимнинг меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки вафот этиши муносабати билан ходимнинг ва унинг қарамоғидаги шахсларнинг етказилган зарарни ундириш бўйича ҳуқуқи бузилишининг олдини олишга ёрдам беради.

Мазкур қонуннинг 25-моддасида иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлиши назарда тутилган. Бу эса, ўз навбатида, мазкур қонуннинг амалда тўлиқ қўлланилишини таъминлашга хизмат қилади. Бироқ шу кунга қадар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятини бажармаганлиги учун маъмурий жавобгарлик назарда тутилмаган эди.

2010 йил 21 декабрда қабул қилинган **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”**ги қонун орқали иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятини лозим вақтда бажаришини таъминлаш, борди-ю, мазкур мажбуриятни бажармаган тақдирда иш берувчига нисбатан аниқ жавобгарликни назарда тутиш ҳамда ушбу жавобгарликни қўлловчи назорат органларининг мансабдор шахслари белгилаб қўйилди.

Айтиш керакки, ушбу янги қонун асосида Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс **“Иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятини бажармаслиги”** деб номланувчи янги 49²-модда билан тўлдирилди.

(Давоми учинчи бетда)

*Qonun ko`magi*

## Фуқаролар манфаати

### уни тўлиқ ҳимоя қилиш бош мақсадимиздир

**Мамлакатимизда истиқлолнинг дастлабки йиллариданоқ инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналишларидан бири этиб белгиланган. Амалга оширилаётган кенг кўламли сиёсий-иқтисодий, ижтимоий-маънавий соҳалардаги ислоҳотлардан кўзланган пировард мақсад ҳам фуқароларнинг манфаатларини таъминлашдан иборатдир.**



Энг муҳими, юртимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоялашнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси яратилган. Жумладан, **«Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»**ги, **«Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида»**ги, **«Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»**ги, **«Одам савдосига қарши курашиш тўғрисида»**ги ва бошқа қонунлар моҳият-эътибори билан фуқаролар манфаатларини рўёбга чиқаришга хизмат қилади. Бундан ташқари юртимизда ҳуқуқий институтлар, жумладан, Олий Мажлиснинг инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман), Инсон ҳуқуқлари бўйича Миллий марказ, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳам ташкил этилган бўлиб, ушбу сиёсий институтлар бугунги кунда самарали фаолият олиб бормоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

*Huquqiy ma`rifat*

**Бугунги бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш жараёнида молия тизими, унинг асосий бўғинларидан бири саналган суғурта фаолиятининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Юртимизда иқтисодий ислоҳотларнинг чуқурлаштирилиши натижасида суғурта фаолияти ҳам тобора такомиллашиб бормоқда. Энг муҳими, бу борада мустаҳкам ҳуқуқий асослар яратилгани соҳа ривожига хизмат қилаётир.**

## Мол-мулкни суғурта қилиш

### у қандай тартибда амалга оширилади?

Масалан, 2002 йилнинг 5 апрелида **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги қонун қабул қилинди. Ўтган давр мобайнида ушбу қонунга қўшимча ва ўзгартишлар ҳам киритилди. Президентимизнинг **«Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори билан **«2007-2010 йилларда Ўзбекистон суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш»** дастури қабул қилинди. Ана шу ҳуқуқий ҳужжатлар самараси ўлароқ юртимизда суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ҳамда сифатини оширишда, суғурталашни тартибга солиш усулларини такомиллаштиришда муҳим қадамлар қўйилди. Чунончи, суғуртанинг молия тизимидаги ўрни тубдан ўзгариб, суғурта компаниялари бозор шароитида тўлақонли хўжалик субъектларига айланди.

Мамлакатимизда суғурта муносабатлари Фуқаролик кодекси, шунингдек, **«Суғурта фаолияти тўғрисида»**ги қонун ва бошқа шунга доир ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар билан тартибга солинади. Жумладан, Фуқаролик кодексининг 52-боби, 914-916-моддаларида суғурта соҳасининг барча қирралари тўлиқ қамраб олинган.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Istiqlol va imkoniyat*

# Адвокатура институти:

## инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш йўлида



**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Мазкур соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар давом эттирилиб, 1998 йил **«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги яна бир муҳим қонун кучга кирди. 2008 йил 1 май санаси эса соҳа ривожида яна бир катта қадамни бошлаб берган Президентимизнинг **«Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги Фармони билан юртдошларимизнинг ёдида қолди.

Мазкур Фармон суд-ҳуқуқ тизимини янада либераллаштириш, адвокатуранинг ташкилий мустақиллигини таъминлаш, уни юқори малакали кадрлар билан тўлдириш, адвокатлик касбининг обрўси ва нуфузини ошириш каби долзарб масалаларда муҳим аҳамият касб этди. Жумладан, аввал ихтиёрий аъзоликка асосланган Ўзбекистон адвокатлар ассоциацияси негизида адвокатлик тузилмалари фаолиятини мувофиқлаштириб борувчи, улар фаолияти уйғунлиги, корпоратив бирлигини таъминловчи Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилди.

Юқорида таъкидланган **«Адвокатура институти такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»**ги қонуннинг қабул қилиниши натижасида эса Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Жиноят-ижроия кодекси ҳамда **«Адвокатура тўғрисида»**ги ва **«Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»**ги қонунларга бир қатор ўзгартиришлар киритилиб, фуқароларга малакали ва сифатли юридик ёрдам кўрсатишнинг янада самарали тизими шаклланди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган Концепцияда таъкидлаб ўтилган яна бир муҳим жиҳатга тўхталиб ўтиш жоиз. Президентимиз ҳимоячининг кўрилаётган ишда иштирок этиши учун ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлардан ижозат олиши, шунингдек, ўз ҳимоясидаги шахс билан учрашиш учун рухсат олиш мажбуриятини белгилайдиган нормалар бугунги кунга келиб жиноят-процессуал қонунчилигидан чиқариб ташланганини ва буларнинг барчаси учун фақатгина адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатлик муассасаси томонидан бериладиган ордернинг ўзи кифоя қилишига алоҳида урғу бериб ўтганлиги аҳамиятлидир. Бугунги кунда адвокатура институтига шу қадар юқори даражада эътибор қаратилаётган экан, бунга жавобан ҳар бир адвокат мамлакатимиздаги кенг кўламли ислоҳотлар ижросида олдинги ўринларда туриши, аҳолининг ҳуқуқ-манфаатларини ҳимоя қилиш асносида ўзининг шу юртга дахлдорлик туйғусини ҳис қилиши лозим. Бу эса тизимни ҳар томонлама юқори малакали кадрлар билан таъминлаш, уларнинг тажриба ва дунёқарашини бугунги кун талабларига ҳамоҳанг тарзда шакллантириб боришни ҳам тақозо этади. Пок виждонли, юксак ахлоқий ва касбий маданиятга эга адвокатларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, эл-юрт, шахс манфаатларини ўзининг олий бурчи деб биладиган, азму шижоатли кадрларни кўпайтириш олдимизда турган муҳим вазифалардан биридир. Адвокатура институтининг ҳуқуқий кафолатлари ва мақоми қонунларимиз билан мустаҳкамлаб қўйилган экан, юқори касбий маҳорат, фидойилик, чуқур билимни намойиш этиш орқали халқимизнинг адвокатларга нисбатан ишончи ва ҳурмат-эътиборини янада ошириш соҳа ходимларининг муҳим вазифаларидан бири бўлиши керак. Палата томонидан ташкил этилган тизимли малака ошириш ўқувларида бу масалага алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Барча ривожланган мамлакатлар тажрибасида адвокатура институтига жамиятнинг муҳим бўғинларидан бири сифатида қаралади. Бугун чексиз фахр ва ғурур билан айтишимиз керакки, мамлакатимизда ҳам мустақиллигимизнинг ўтган 19 йили мобайнида адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш бўйича Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган илғор ғоялар ва вазифаларни бажариш учун барча ҳуқуқий ва ижтимоий шарт-шароитлар яратилди. Жумладан, адвокатурани ҳалол ва касб маҳорати юқори бўлган мутахассислар билан тўлдиришни таъминлайдиган самарали лицензиялаш тизими ташкил этилди, адвокатлик тузилмаларининг ваколатлари ва ҳуқуқий мақоми белгилаб берилди, жиноят процессида айблов ва ҳимоя тарафларининг процессуал ҳуқуқлари тенглигини таъминлайдиган қатъий ҳамда адолатли тизим жорий этилди. Бу каби мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Улуғ бобомиз Амир Темурнинг «Қаерда қонун ҳукмронлик қилса, шу ерда эркинлик бўлади», деган сўзлари бугунги мустақил тараққиёт давримизда ўз исботини топмоқда, десак тўғри бўлади. Зотан, мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар, шу жумладан, адвокатура соҳасидаги янгиланишлар ҳам инсон ҳуқуқлари ҳимоясига хизмат қилиши билан аҳамиятлидир

**Равшан АҲМЕДОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси вазифасини бажарувчи*

*Munosabat*

# Қадами қутлуғ йил

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Бундай шароитда шу давлатларнинг тинч аҳолиси кўпроқ жабр чеккани аянчлидир. Шуларни кўз ўнгимиздан ўтказарканмиз, Ўзбекистонимиздаги Президентимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётгани сиёсати, бунда халқнинг фаровон турмушини таъминлаш биринчи ўринга қўйилгани таҳсинга лойиқ. Эътиборлиси, бундай фикрлар бугунги кунда нафақат халқимиз, балки дунёнинг кенг жамоатчилиги томонидан ҳам эътироф этилаётир. Шу маънода давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, **2010 йил эл-юртимиз, Ватанимиз учун ҳар жиҳатдан мазмунли, баракали ва омадли бўлди, деб айтишга тўлиқ асосларимиз бор.**



Якунланган йилнинг «Баркамол авлод йили» деб номланганини ва мазкур йилда қабул қилинган Давлат дастури асосида амалга оширилган ишлар мамлакатимизда ёш авлодни ҳар томонлама етук қилиб вояга етказишга қаратилган ислоҳотларни янада чуқурлаштирди. Жумладан, **«Баркамол авлод йили»** Давлат дастурида болалар ва ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни баркамол ривожлантиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган норматив-ҳуқуқий базани янада_такомиллаштириш масалаларига алоҳида эътибор берилди. Шу билан бирга фарзандларимизнинг яхши шароитда яшаши, илм олиши, ҳунар эгаллаши ва спорт билан шуғулланиши учун зарур имкониятлар янада яхшиланди. Мазкур дастурни бажариш учун барча манбалар ҳисобидан қарийб 8 триллион сўм маблағ сарфланганининг ўзи бу борада амалга оширилган ишларнинг кўлами ва миқёси нечоғлик улкан эканидан далолат беради. Буларнинг барчаси давлатимиз ва жамиятимизнинг баркамол авлодни тарбиялаш ва мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг мустаҳкам заминини яратиш борасидаги манфаатлари муштарак эканини яққол кўрсатади.

Президентимизнинг байрам табригида қайд этилганидек, **«2010 йил — Баркамол авлод йилида амалга оширган кенг кўламли тадбирларимиз фарзандларимиз, униб-ўсиб келаётган ёш авлодимизнинг замон талаб қилаётган даражада билим олиши, интеллектуал салоҳиятини ошириши, тажриба топиши ва ҳаётга ҳал қилувчи куч бўлиб кириб бориши, бир сўз билан айтганда, келажагимиз масъулиятини ўз зиммасига олишга қодир бўлиши йўлида янги бир қадам бўлди, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз».**

Кириб келган янги — 2011 йилга Президентимиз ташаббуси билан **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»** деб ном берилгани юртдошларимизнинг кўнглидаги иш бўлди. Зеро, бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ўзининг иқтисодиётимиздаги ўта муҳим ва салмоқли ҳиссаси, роли ва таъсири, содда қилиб айтганда, бошқа ҳеч бир соҳа ва йўналиш ўрнини босолмайдиган катта аҳамияти билан давлат ва жамиятимиз ривожида алоҳида ўрин эгаллайди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик одамларимиз учун янги иш ўринлари очиш, барқарор даромад манбаларини яратишнинг энг муҳим омилига ҳам айланди. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги иш билан банд аҳолининг 74 фоиздан ортиғи айнан шу соҳада меҳнат қилаётгани ҳам буни тасдиқлайди.

Буларнинг барчаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик бугунги кунда жамиятимиздаги ижтимоий ва сиёсий барқарорликнинг кафолати ва таянчига, юртимизни тараққиёт йўлидан фаол ҳаракатлантирадиган кучга айланиб бораётганининг исботидир. **«Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили»**да бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгайиши мамлакатимизни юксак тараққиёт марраларига олиб чиқишига шубҳа йўқ.

Янги йилнинг дастлабки ҳафтаси ҳам якунига етмоқда. Аммо юртимиз бўйлаб байрам шукуҳи ҳамон юқори кайфият ила давом этаётир. Айниқса, болажонлар қувончининг чеки йўқ. Чунки улар учун юртимизнинг барча гўшаларида театрлаштирилган байрам томошалари давом этмоқда. Бундай тадбирларнинг дастлабкиси «Президент арчаси» байрам тантаналари бўлиб, бу тадбир 29 декабрда пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида бошланганди. Ушбу тадбирга шаҳардаги барча Меҳрибонлик уйлари, SOS — Болалар шаҳарчаси, махсус мактаб-интернатларнинг тарбияланувчилари, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кам таъминланган, серфарзанд оилаларнинг ўғил-қизлари қатнашмоқда. Эътиборлиси, бундай тадбирлар Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятларда ҳам ташкил этилаётир.

Қорбобо, Қорқиз, турли эртак қаҳрамонлари кичкинтойларни жўровозликда қўшиқ куйлашга, рақс тушишга чорлайди. Арча атрофида болаларнинг беғубор кулгиси янграйди. Бундай манзарани бугун мамлакатимизнинг бош майдони — Мустақиллик майдонидан тортиб барча маданият ва истироҳат боғлари, вилоят ва туман марказларида, театрлар ва маданият уйлари саҳналарида кўриш мумкин. Шўх-шодон куй-қўшиқлар нафақат болажонлар, балки катталарга ҳам хуш кайфият улашмоқда.

Бундай саодатли онлар Янги йил арафасида қилган ниятларимиз, нафақат ўзимиз, балки юртимиз иқболи йўлида янги марралар сари интилишимизга куч бағишлайди. Жорий йилда ҳам юқоридаги каби хайрли ишлар давом этиб, булар шу заминда яшаётган ҳар бир инсон ҳаётида муҳим из қолдириши шубҳасиз.

Зеро, Президентимиз қайд этган қуйидаги сўзлар ҳам бизни барча имконият ва салоҳиятимизни тўлиқ намоён этиб самарали меҳнат қилишга чорлайди: **«Янги йилда иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини сақлаган ҳолда, салоҳиятимизни янада мустаҳкамлаш ҳисобидан халқимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини узлуксиз юксалтиришга қаратилган сиёсатни давом эттириб, аҳолимизнинг даромадларини ошириш, иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдорини 25 фоиз кўпайтириш кўзда тутилмоқда».**

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
*журналист*

*Jinoyat va jazo*

# Гиёҳвандлик — умр заволи

**Руҳий хотиржамлик ва тансиҳатлик – инсоннинг тўлақонли умр кечириши, ғайрат билан ишлаши, меҳнат қилиши учун энг зарур омиллардир. Гиёҳвандлик иллати эса одамни руҳан ожиз қилиб қўяди, соғлиғига жиддий зиён етказади. Бу, албатта, гиёҳвандликка қарши курашишнинг нечоғлиқ долзарб эканидан далолат беради.**

Маълумки, мамлакатимизда «аср вабоси» дея ном олган гиёҳвандликка қарши курашга катта эътибор қаратилиб, бу борадаги саъй-ҳаракатларнинг мустаҳкам ҳуқуқий асоси ҳам яратилган. Жумладан, наркотик моддалар тайёрлаш, сақлаш, сотиш, уни истеъмол қилиш учун қонунларимизда жиноий жавобгарлик белгиланган.

Юқорида санаб ўтганларимиз масаланинг ташкилий-ҳуқуқий томонидир. Гиёҳвандлик иллатининг инсонга етказадиган зарари, у билан боғлиқ жиноятларнинг ҳуқуқий оқибатини эса ҳар бир киши ўзи англаб етмоғи даркор. Чунки ҳар бир соғлом фикр эгаси гиёҳвандлик инсоннинг ҳаётини издан чиқариб юборишини яхши тушунади. Таассуфки, ҳаётда ҳамон ўзининг нопок нафсини тия олмай, гиёҳванд моддалар етиштиришдек қабиҳ жиноятга қўл ураётган кимсалар ҳам учраб туради.

Масалан, Пешку туманининг Дўрмон қишлоғида яшайдиган Фахриддин Шеров гиёҳвандлик моддаларининг зарарли эканини, бу заҳри қотилни истеъмол қилиш, етиштириш жиноят эканини билмасмиди?! Албатта, биларди. Аммо иродаси мўрт бу кимсанинг кўзига на гулдай оиласи, на тўрт нафар фарзанди ва на эл-юрт олдида орттирган обрў-эътибори кўринди. 2010 йил 18 май куни «Қорадори-2010» тадбири иштирокчилари ҳовлисига кириб келишганида унинг тиззалари бежизга қалтирамади.

2009 йил март ойи ўрталарида Ф.Шеров ўстириш тақиқланган «каннабис» ўсимлигини ҳовлисининг бир бурчагида етиштиради. Ундан олинган заҳри қотилни йигирма бешта гугурт қутисига жойлаб, бир қисмини аввал молхонага кўмади, сўнг бундан кўнгли тўлмай «бойлиги»ни томорқадаги бедазорга яширади.

— Бу қилмишимдан уйда ҳеч ким хабардор эмасди, — дейди айбини тан олган Ф.Шеров. — Уни ҳеч кимга сотганим йўқ, бировдан сотиб ҳам олмаганман. Гиёҳванд моддасини қарийб ўн йилдан буён истеъмол қилиб келаман. Бу балога қандай йўлиққанимни билмайман. Қилмишимдан пушаймонман...

Мутахассисларнинг эътироф этишича, гиёҳвандлик моддаси инсоннинг нафас йўлларини шикастлаб, ўпка склерозини келтириб чиқаради. Шунингдек, гиёҳвандлик моддасини мунтазам истеъмол қиладиган кимсанинг мия тўқималари, жигари ҳам ишдан чиқади, бундай одам уйқусизлик, беҳоллик, ғамгинлик, юрак ўйноғи, иштаҳасизлик сингари касалликлардан ҳам азият чекади. Энди тасаввур қилайлик, агар Фахриддин Шеровнинг хонадонидан топилган «марихуана» гиёҳванд воситаси фош этилмаганда, қанчалаб кишининг соғлиғига путур етказарди?!

Суд Фахриддин Шеровга қилмишига яраша жазо тайинлади.

Ҳа, гиёҳвандлик иллати инсоннинг соғлом турмуш тарзига жиддий хавф солади. Шундай экан, бу балога қарши курашишда ҳамфикр бўлмоғимиз, фуқароларда, айниқса, ёшларда гиёҳвандликнинг аянчли оқибатлари ҳақида тўғри тасаввур уйғотмоғимиз лозим.

**Хушвақт ҚУРБОНОВА,**
*жиноят ишлари бўйича Пешку туман судининг раиси*
**Валижон ЮСУПОВ,**
*«Куч – адолатда» мухбири*

*Qonun ko`magi*

# Фуқаролар манфаати

## уни тўлиқ ҳимоя қилиш бош мақсадимиздир

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги бошқармалари томонидан ҳам инсон ҳуқуқларини тўлиқ ҳимоя қилиш борасида кўламли ишлар амалга оширилаётир. Жумладан, Тошкент вилояти адлия бошқармасининг фаолияти ўтган йилларга қараганда ҳам анча кенгайди.



Биргина мисол. Ўтган йилнинг дастлабки 9 ойи давомида бошқарманинг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлимига фуқаролардан бузилган ҳуқуқларини тиклаш, амалий ёрдам бериш ва бошқа масалаларга оид 142 та мурожаат келиб тушди. Мазкур мурожаатларнинг аксарияти турли идора ва ташкилотларнинг мутасадди ходимлари, мансабдор шахслари иштирокида атрофлича ўрганиб чиқилиб, натижалари юзасидан тегишли чоралар кўрилди.

Масалан, Олмалиқ шаҳрида яшовчи фуқаро Т.Попованинг марҳум онаси И.Попованинг вафоти муносабати билан олинмай қолган 2010 йил апрель ойи учун нафақа пулини олишда амалий ёрдам бериш тўғрисидаги мурожаатини ўрганиш давомида **«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»**ги қонунининг 63-моддаси талабларига мувофиқ, Т.Попованинг ҳақиқатан ҳам, онасининг меросхўри сифатида олинмай қолган нафақа пулларига бўлган ҳуқуқи мавжудлиги тасдиқланди. Аниқланган қонунбузилиш ҳолатларини бартараф этиш тўғрисида Олмалиқ шаҳар ҳокимлигига тақдимнома киритилди. Натижада, Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Олмалиқ шаҳар бўлими томонидан Т.Поповага 168.705 сўм миқдорида нафақа пули тўлиқ тўлаб берилди. Ушбу қонунбузилиш ҳолатига йўл қўйгани учун жамғарма ходими Ф.Маматов эгаллаб турган лавозимидан озод этилди.

Шунингдек, Ангрен шаҳрида яшовчи фуқаро Т.Норхўжаеванинг муддатидан олдин пенсияга чиқиш тўғрисидаги мурожаати ҳам ўрганиб чиқилди. Жумладан, Ангрен шаҳар Бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази томонидан **«Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»**ги қонун ва **«Алоҳида асосларга кўра меҳнат шартномаси бекор қилинганда ишдан бўшатилган ходимларга муддатидан олдин пенсия тайинлаш тартиби тўғрисида»**ги Йўриқнома талаблари бузилиб, фуқарони муддатидан олдин ёшга доир пенсияга чиқариш учун Бюджетдан ташқари пенсия жамғармаси Ангрен шаҳар бўлимига тегишли ҳужжатлар юборилмаганлиги аниқланди. Ушбу ҳолат бўйича Тошкент вилояти меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бош бошқармасига қонунбузилиш ҳолатларини бартараф қилиш тўғрисида тақдимнома киритилди. Тақдимнома ижроси тўлиқ таъминланиб, фуқаро Т.Норхўжаевага 2010 йил июль ойидан ёшга доир пенсия тайинланди ҳамда қонунбузилишига йўл қўйган марказ ходими М.Кузенбаева интизомий жавобгарликка тортилди.

Бундан ташқари бўлим «Ишонч телефони»га келиб тушган 17 та мурожаатдан 14 таси қаноатлантирилиб, фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларининг тикланишига эришилди ҳамда қолган мурожаатларга қонун талабларига асосан ҳуқуқий тушунтириш берилди.

Бир сўз билан айтганда, фуқароларнинг мурожаатлари доимий эътиборда. Зеро, ҳар бир мурожаат ортида инсон, унинг тақдири турибди. Бу ўз навбатида мамлакатимизда устувор аҳамиятга эга бўлган инсон манфаатларини таъминлаш тамойилини рўёбга чиқаришга хизмат қилади.

**Салоҳиддин САТТОРОВ,**
*Тошкент вилояти адлия бошқармаси бошлиғининг биринчи ўринбосари*

*Saboq*

# Ёлғон хабар

**(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)**

Маълумки, амалдаги Жиноят кодексининг 237-моддасида ёлғон хабар бериш, яъни жиноят тўғрисида била туриб, ёлғон хабар бериш учун жавобгарлик белгиланган бўлиб, ушбу жиноий хатти-ҳаракатлар энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваридан эллик бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ билан жазоланади. Ўша ҳаракат айбловнинг сунъий далилларини вужудга келтирган ҳолда ёки ғаразгўйлик ниятларида ёхуд уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваридан етмиш беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан, агар бундай хатти-ҳаракат оғир оқибатларга сабаб бўлса, беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ёлғон хабар беришнинг сабаблари ҳар хил: кўролмаслик, ўч олишга қасд қилиш, ҳасад, ғаразгўйликдан иборатдир. Била туриб, ёлғон хабар беришдан кўзланган мақсад, аксарият ҳолларда, жиноятни содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан жиноят ишини қўзғатиш хоҳишидир. Ҳолбуки, биргина ёлғон хабар жуда нохуш оқибатларга сабаб бўлиши мумкин. Яъни тўсатдан туҳматга дуч келган киши руҳан эзилади, бу эса унинг соғлиғига салбий таъсир этиши ҳеч гап эмас.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 238-моддасида ёлғон гувоҳлик бериш, яъни суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёки ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг била туриб, ёлғон кўрсатма бериши ёхуд экспертнинг била туриб, нотўғри хулоса бериши, шунингдек, бир тилдан иккинчи тилга била туриб, нотўғри таржима қилиш учун ҳам жазо белгиланган. Жумладан, бундай ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг йигирма беш бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки олти ойгача қамоқ жазоси белгиланади.

Суриштирув олиб бориш, дастлабки тергов ёхуд ишни судда кўриш вақтида гувоҳ ёки жабрланувчининг ёлғон кўрсатма бериши ёки экспертнинг ёлғон хулоса бериши ёхуд таржимонни нотўғри таржима қилиши учун пора эвазига оғдириб олиш, шунингдек, уларга ёки уларнинг яқин қариндошларига руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказиш орқали ёлғон кўрсатма беришга мажбур қилиш – икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмида назарда тутилган ҳаракатлар уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

*Yangi qonun mohiyati*

# Инсон ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси

## бу борадаги қонунчилик янада такомиллаштирилди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Мазкур модданинг иккинчи қисми **“меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун, шунингдек, иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятларини бажармаганлиги учун — меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари”** деган учинчи хатбоши билан тўлдирилди.

Ушбу янги меъёрга кўра, иш берувчининг ходим ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши муносабати билан унинг ҳаёти ёки соғлиғига етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш бўйича қонун билан белгиланган ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятини бажармаслик фуқароларга нисбатан энг кам иш ҳақининг икки бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга нисбатан эса — етти бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солинишига сабаб бўлиши назарда тутилди.

Дарҳақиқат, иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича мажбуриятининг бажарилиши ходимларнинг ўз меҳнат вазифаларини бажариши билан боғлиқ ҳолда етказилган зарарнинг ўрнини тез фурсатларда, одилона миқдорда қопланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Зеро, ҳозирги кунда ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар туфайли меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши оқибатида зарар кўрган ходимларнинг меҳнат ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилиш давлатимиз олиб бораётган ижтимоий сиёсатнинг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади.

Маълумки, ишлаб чиқариш билан боғлиқ ҳолда содир бўлган бахтсиз ҳодиса, яъни суғурта ҳодисаси ходимнинг ўлимига сабаб бўлса, қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда наф олувчиларга ўлимига сабаб бўлган ходимнинг олти йиллик ўртача иш ҳақидан кам бўлмаган миқдорда бир йўла тўланадиган нафақа ва марҳумнинг қарамоғида бўлган меҳнатга қобилиятсиз шахсларга ҳамда унинг ўқийдиган фарзандларига ўн саккиз ёшга тўлгунларига қадар етказилган зарар узлуксиз равишда ҳар бир ой тегишли тартибда тўлаб борилади.

Мисол тариқасида олиб қарайдиган бўлсак, бахтсиз ҳодиса, яъни суғурта ҳодисаси натижасида ўз соғлигига зарар етган ходимнинг ўртача иш ҳақи тўрт юз минг сўм деб ҳисобланганда, фақатгина бир йўла тўланадиган нафақанинг ўзи йигирма саккиз миллион саккиз юз минг сўмни ташкил этади. Ушбу бахтсиз ҳодиса, яъни суғурта ҳодисаси фуқаролик жавобгарлиги мажбурий суғурта қилинмаганлигини ва бир йўла тўланадиган нафақа йигирма саккиз миллиондан ортиқроқ бўлган пул миқдори корхона ҳисобидан тўланишини эътиборга оладиган бўлсак, албатта, бу корхонанинг иқтисодий аҳволига сезиларли таъсир кўрсатади. Шунингдек, бундай вазиятларда кичик корхоналар иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолиши ёки уларни банкротлик ҳолатига ҳамда жабрланувчи ёки наф олувчиларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган муддатларда ижтимоий ҳимоя қилинмаслигига олиб келиши мумкин. Шундай экан, иш берувчининг иқтисодий жиҳатдан оғир аҳволга тушиб қолишининг олдини олиш ва корхонанинг молиявий аҳволини яхшилашда, айниқса, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланувчи шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилишда янги қонун муҳим аҳамият касб этади.

Таъкидлаш керакки, Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 19 февралдаги **“Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат, аҳолини иш билан таъминлаш ва меҳнатни муҳофаза қилишга доир қонун ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш фаолиятини такомиллаштириш юзасидан ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”**ги қарори билан тасдиқланган **“Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси тўғрисида”**ги Низомининг 8-бандига асосан ташкилотлар томонидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган қонун ҳужжатлари талаблари бажарилиши юзасидан назоратни амалга ошириш ҳуқуқи Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармаси зиммасига юклатилган. Ушбу Низомга кўра, бошқармани Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган, айни бир вақтда Ўзбекистон Республикаси бош давлат меҳнат техник инспектори ҳисобланадиган бошқарма бошлиғи бошқаради. Бошқарманинг бош мутахассислари тегишли равишда вазирликнинг давлат меҳнат техник инспекторлари ва меҳнат шароитлари бўйича давлат экспертлари ҳисобланадилар.

Ўз навбатида меҳнат бўйича давлат техник инспекторларининг ташкилотлар томонидан иш берувчининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш бўйича белгиланган қонун ҳужжатлари талабларининг бажарилиши юзасидан назоратни самарали амалга оширишида улар томонидан бу борадаги маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлиши муҳим аҳамият касб этади. Шу мақсадда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг 1-моддаси 2-бандига кўра, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 255-моддаси иккинчи қисми **“меҳнатни муҳофаза қилиш қоидаларини бузганлик учун шунингдек, иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятларини бажармаганлиги учун – меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари”** деган учинчи хатбоши билан тўлдирилди. Бу билан меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятини бажармаганлиги учун маъмурий жазони назарда тутувчи $49^2$-моддада қайд этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқиш ва маъмурий жазо чораси қўллаш ҳуқуқига эга бўлдилар.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 255-моддасида назарда тутилган бошқа маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишлар каби иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятларини бажармаганлиги учун жарима солиш тўғрисидаги ишлар юзасидан меҳнат бўйича давлат техник инспекторлари асослантирилган қарор қабул қилади. Жарима солиш тўғрисидаги қарор уч нусхада тузилади. Биринчи нусхаси - жарима солинган шахсга, иккинчи нусхаси - ташкилотга, агар жарима ташкилот раҳбарига солинган бўлса - унга мутасаддилик қиладиган юқори ташкилотга берилади. Учинчи нусхаси - қарорни тузган мансабдор шахсда қолади. Жариманинг тўланиши тақдимномани ёки ёзма кўрсатмани бажариш мажбуриятидан ёки қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа хатти-ҳаракатларни амалга оширишдан озод қилмайди. Қарорнинг бажарилганлиги тўғрисида вазирликнинг Меҳнатни муҳофаза қилиш бошқармасига хабар қилинади.

Жарима солиш вақтида юзага келадиган ҳуқуқий муносабатлар, шу жумладан, жарима солиш тўғрисидаги қарор юзасидан шикоят бериш, уни кўриб чиқиш, қарор ижросини вақтинча тўхтатиб туриш, қарорни бажариш тартиби ва бошқалар кодексда белгиланган тартибда амалга оширилади.

Хулоса ўрнида шуни айтиш лозимки, иш берувчининг ўз фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш мажбуриятини бажармаслиги учун маъмурий жавобгарликнинг назарда тутилиши меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилиш ҳамда уни яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни юксак савияда амалга оширилишига хизмат қилиши билан бирга иш берувчининг ходимлар олдидаги масъулиятини ҳам оширади. Бундан ташқари бахтсиз ҳодиса туфайли иш берувчилар томонидан сарфланадиган йўқотишларнинг олдини олади, пировардида мамлакатимизда ижтимоий-иқтисодий соҳада амалга оширалётган ислоҳотларнинг ҳуқуқий асосларини янада кучайтиришга хизмат қилади.

**Зокир ЯКУБОВ,**
*Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти етакчи илмий ходими*

*Qonun barchaga barobar*

# Асосли даъво

## қонуний ечимини топди

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Бир қарашда ҳаммаси рисоладагидек кечган. П.Шарипов ўз ваколати доирасида иш тутиб, уй-жойни харидорга сотади. Фуқаролик кодексининг 134-моддасида қайд этилганидек, бир шахс (ишонч билдирувчи)нинг иккинчи шахс (ишончли вакил)га учинчи шахслар олдида вакиллик қилиши учун берилган ёзма ваколати — ишончнома ҳисобланади. Аммо кутмаган жойдан муаммо келиб чиқади. Гап шундаки, ҳали-ҳамон уй-жойни Д.Нурмонованинг номига қонуний расмийлаштириб беришни пайсалга солиб келаётган Х.Нормуродов ҳамда П.Шарипов янги ҳийла ўйлаб топишади. Аниқроғи, Х.Нормуродов ҳали ўзининг номида бўлган уй-жой ҳужжатларини рўкач қилиб, Д.Нурмонованинг фарзандлари билан хонадондан чиқариб юборишга урина бошлайди.

Шундан сўнг Д.Нурманова судга даъво аризаси билан мурожаат қилади. Судда томонларнинг фикрлари ҳамда судга тақдим этилган ҳужжатлар ўрганиб чиқилиб, Фуқаролик кодексининг 112-моддаси 2-қисмида кўрсатилган талабларга биноан, даъвогар Дилдора Нурмонованинг жавобгарлар — Холмўмин Нормуродов ҳамда Пирмат Шариповга нисбатан ишочномага асосан тилхат орқали тузилган олди-сотди битимини ҳақиқий деб топиш ҳақидаги даъвосини қаноатлантириш, шунингдек, Ғузор тумани ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизматига Ғузор шаҳри, «Ўзбекистон» кўчасида жойлашган 6-уйнинг 2-хонадонини фуқаро Дилдора Нурмонованинг номига зудлик билан расмийлаштириб бериш хусусида ҳал қилув қарори чиқарилди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, ўзимизнинг ҳақ-ҳуқуқларимизни чуқур билишимиз манфаатларимизга турли тарзда путур етказилишининг олдини олиш гаровидир. Масаланинг иккинчи жиҳати эса қонун-қоидаларга риоя этиш, бурч ва мажбуриятларни ўз вақтида бажаришдан иборатдир. Чунки бугун лоқайдлик ёки важкарсонлар билан адо этилмаган мажбурият бир кун келиб турли можароларга сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, нафақат ҳуқуқимизни теран англашимиз, балки бурчимизни ҳам тўлиқ бажаришимиз мақсадга мувофиқдир.

**Шавкат ҲАМДАМОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Ғузор туманлараро судининг раиси*
**Абдунаби БОБОЁРОВ,**
*«Куч – адолатда» мухбири*

*Muloqot*

# Газетхон савол беради...



***— Мен мактабда ишлайман, фарзандим 1 ёшдан ошди. Унга нафақа олмоқчи бўлганимда маълум бир ҳужжатлар кераклигини айтишди. Айтинг-чи, бунинг учун, яъни ишлаётган оналарга фарзандини икки ёшгача парвариш қилгани учун тайинланадиган нафақа олишда қандай ҳужжатлар талаб этилади?***

**Д.ТЎРАЕВ,**
*Ангрен шаҳри*

— Ишлаётган оналарга болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақа тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга асосан, нафақа тайинлаш учун қуйидаги ҳужжатлар тақдим қилинади:

а) ариза;

б) боланинг туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхаси.

Боланинг онаси ўрнига болани парвариш қилиш бўйича нафақани олувчи шахслар қўшимча равишда онанинг йўқлигини тасдиқловчи ҳужжат — бола (болалар) онаси ўлими тўғрисидаги гувоҳнома, онанинг оналик ҳуқуқидан маҳрум этилганлиги ҳақида суд идоралари берган маълумотнома ёки боланинг (болаларнинг) онаси болани парвариш қилиш бўйича нафақани олиш имконияти йўқлигини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларни тақдим этадилар.



***— Айтинг-чи, фуқаролар хусусий тураржойларини бошқа фуқароларга бериши мумкинми?***

**Н.МУСАХОНОВ,**
*Тўрткўл тумани*

— Уй-жой кодексининг 23-моддасида фуқароларга ва юридик шахсларга хусусий мулк ҳуқуқи асосида тегишли бўлган тураржойлардан фойдаланиш ҳақида сўз юритилган бўлиб, унга асосан, хусусий мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан ўзлари ва оила аъзолари яшаши учун фойдаланадилар. Улар уйига, квартирасига бошқа фуқароларни кўчириб киритишга, шунингдек, тураржойларни ушбу кодексда ҳамда ўзга қонун ҳужжатларида белгиланган шарт ва тартиб асосида ижарага бериш шартномасига биноан бошқа фуқароларга яшаш учун беришга ҳақли.

Мулкида уйи, квартираси бўлган фуқаролар улардан бошқа фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини бузмаган ҳолда бошқа мақсадларда фойдаланишга ҳақли.

Мулкида уйи, квартираси бўлган юридик шахслар уларни ижарага, арендага беришга ҳамда улардан уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларига зид келмайдиган бошқа мақсадларда фойдаланиши мумкин.

**Саволларга юридик фанлари номзоди Саломат НИЁЗОВА жавоб берди.**

*Fuqarolik qonunchiligi*



# Меҳр-оқибат

## қонун билан мустаҳкамланади

**Маълумки, ҳаётда инсон турли вазиятларга дуч келади. Айтайлик, кимдир тақдир тақозаси билан кексайганда ёлғизланиб қолиши мумкин. Ана шундай якка-ёлғиз қариялар уй-жойини (уйнинг бир қисмини), квартирани умрбод таъминлаш шарти билан ўзларига маъқул бўлган фуқароларга бериши қонунчилигимизда белгиланган.**

Бунинг учун нотариал идорага бориб, Фуқаролик кодексининг 530-534-моддаларига қатъий риоя қилган ҳолда умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми) ёки квартирани бошқа фуқарога бериш тўғрисида шартнома тузилади. Нотариус ушбу шартномани гувоҳлантириш вақтида уйни (уйнинг бир қисмини) ёки квартирани бошқа шахсга ўтказувчи шахснинг (ёши ёки саломатлиги бўйича) меҳнатга лаёқатсизлигини текшириб, буни шартнома матнида ҳам кўрсатиб ўтиши керак.

Умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномасида бошқа шахсга берувчига қандай моддий таъминот турлари берилиши, уларнинг пул билан ифодаланган бир ойлик баҳоси ва уй-жой (уйнинг бир қисми), квартиранинг қиймати кўрсатилиши лозим.

Умрбод таъминлаш шартномаси ҳақ бараварига тузиладиган шартнома ҳисобланади. Агар уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани олувчи умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой мажбуриятини бажармаса, бошқа шахсга берувчи таъминотни вақти-вақти билан ҳақ тарзида тўлаб туришга алмаштиришни ёки шартномани бекор қилишни талаб қилиши мумкин.

(Давоми тўртинчи бетда)

# бериш

## ушбу жиноят қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келади?



Мазкур жиноятнинг ижтимоий хавфлилиги шундаки, ёлғон хабар туфайли дастлабки тергов ва суд идоралари чалғиб, вақти, маблағи ва кучини ёлғон бўлган маълумотларни аниқлашга сарфлайди. Шунингдек, ёлғон гувоҳлик содир бўлган жиноий ҳаракатларнинг аниқланишига тўсқинлик қилиб, одил судлов учун ҳам катта зиён етказади.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат этадиган бўлсак, Тўрақўрғон туманида истиқомат қилувчи Ҳалима Раҳимова ҳамда Замира Жўраева ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идорага ариза билан мурожат этишади. Аризада баён этилишича, 2009 йилнинг декабрь ойида Тўрақўрғон педагогика коллежи ўқитувчиси О.Саматов, коменданти С.Султонов ўқишга киритиб қўйиш учун улардан пора олади. Аммо О.Саматова ва С.Султонов берган ваъдаларини бажармайди...

Албатта, фуқароларнинг мурожаатлари доимо эътиборда. Қонунга биноан, Ҳ.Раҳимова ҳамда З.Жўраеванинг аризаси бўйича суриштирув ишлари олиб борилди. Аммо ушбу аризада баён эътилган маълумотлар ўз исботини топмай, суд давомида ҳақиқат ойдинлашди. Маълум бўлишича, О.Саматов ва С.Султонов ҳеч кимдан пул сўрамаган, аммо ўқишга кира олмаган дугоналар жаҳл устида улардан ўч олишни мақсад қилишган. Албатта, улар ғаразли мақсадларига ета олишмади.

Ҳа, ёлғоннинг умри ҳамиша қисқа. Мавлоно Жалолиддин Румий айтганларидек, дунё тоққа ўхшайди. Этагига бориб, нима десанг, акс-садосида шуни эшитасан. Яхши сўз айтсанг, ҳеч қачон ёмон сўз қайтмайди. Шундай экан, ростгўйликни ҳар бир ишимизда мезон қилиб олсак, кўнглимиз тинч, хотиржам, ҳаётимиз эса осойишта, ёруғ бўлади.

**Қ.ХОЛБОЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Тўрақўрғон тумани судининг раиси*

*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*

**«Саломатлик – туман бойлик», дейишади. Чиндан ҳам, инсон учун соғлиқ энг катта неъматдир. Оддий бир мисол: тоби қочган киши биринчи навбатда, соғлиғини тиклашга ҳаракат қилиши, шифокор кўригидан ўтиши лозим. Шифокорнинг муолажаларидан сўнг киши яна аввалгидай ғайрат-шижоат билан ишга шўнғиб кетиши шубҳасиз. Қизиғи шундаки, ҳаётда баъзан асоссиз «миш-миш»ларга ишонадиган, тансиҳатликдай нозик масалада мутахассисга мурожаат этиш ўрнига тайин-тутуруғи йўқ, шубҳали кишиларнинг кўрсатмаларига қулоқ соладиган кишилар ҳам йўқ эмас. Ўзларини табиб деб атайдиган, аслида табибликнинг кўчасига яқин йўламаган фирибгар кимсалар учун эса бошқаларнинг соддалиги, ишонувчанлиги айни муддаодир...**

# Ошкор бўлган ҳийла

**Суд очерки**

Фарида (исм-фамилиялар ўзгартирилди) бозорда жойлашган чойхонасида эртадан-кечгача югур-югур оқибатида кейинги пайтда тез-тез толиқиб, ўзини нохуш сезадиган бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам дугонаси Гуласал келганида у соғлиғидан нолиди.

— Сен Заргарлик маҳалласидаги Дилором фолбинга бир учрашиб кўр, — дея маслаҳат берди Гуласал. — Айтишларича, унинг қўли енгил, бир кўрса, тамом, дарднинг изи ҳам қолмас эмиш.

Унинг гапларини эшитиб, Фарида ўйланиб қолди. Тунов куни ҳам кимдир Дилором фолбинни мақтаганди. Дарвоқе, одамлар билмаса, гапирмайди. «Шамол бўлмаса, дарахтнинг шохи қимирламайди», дейишади-ку.

Эртаси куни яна фолбиндан гап очилганида Гуласал темирни иссиғида босиб, шартта Дилором фолбин билан қўнғироқлашди-да, уни Фариданинг чойхонасига таклиф қилди. Салобат билан бир-бир босиб чойхонага кириб келган Дилором фолбин Фарида билан ўзини ёлғиз қолдиришларини сўради. Шундан сўнг у сумкасидан турли буюмларни чиқариб, Фариданинг исмини, ёшини билиб олди-да, бир нуқтага тикилган кўйи аллақандай сирли овозда гап бошлади:

— Сизнинг касалингиз жуда жиддий, синглим. Оёғингиз, баъзида юрагингиз оғрийди... Бунинг устига кимдир ўқиб, қизларингизнинг ҳам йўлини беркитиб ташлабди. Агар индамай қараб турсангиз, қизларингиз бир умр бахтсиз бўлиб қолади... Хўп десангиз, ўзим ўқиб, зиённи олиб ташлайман. Йўлингизни ҳам очиб бераман.

Ҳийлагар фолбиннинг ёлғон сўзларига лаққа ишониб, юрагига ғулғула тушган Фарида ўйлаб ҳам ўтирмай унинг ҳамма гапига рози бўлди. Натижада шу куни Дилором фолбин «дам солиш» учун Фариданинг бир дона тилла зираги ва икки дона тилла узугини олди. «Эртага фалон манзилга 150 АҚШ доллари олиб боринг, унга савдонгизга барака кириши учун дам солиб бераман. Менинг қўл ҳақим кўп эмас, атиги 100 минг сўм бўлади», деди фолбин кетар чоғида. Фарида эртаси куни фолбин хотин айтган нарсаларни олиб, унинг уйига борди. Соддадил аёлни турли ваҳимали гаплари билан яна чўчитган фолбин ундан «қўл ҳақи» деб 100 минг сўм олди ва бир неча кундан сўнг келишини тайинлади.

(Давоми тўртинчи бетда)

*Huquqiy ma'rifat*

# Мол-мулкни суғурта қилиш

## у қандай тартибда амалга оширилади?



(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Конституциямизда кафолатланганидек, ҳар бир шахс мулкдор бўлиш ҳуқуқига эга. Мулк, қандай турда бўлишидан қатъий назар, давлат томонидан муҳофаза қилинади. Ушбу тамойилдан келиб чиқиб айтиш мумкинки, инсоннинг меҳнат фаолияти натижасида яратган мол-мулки қонун йўли билан ҳимоя қилинади. Мол-мулк унинг асралишидан қонун ҳужжатларига ёки шартномага асосланган манфаатга эга бўлган шахс (суғурта қилдирувчи ёки наф олувчи) фойдасига, унинг мулкдори, мол-мулкка нисбатан бошқа ашёвий ҳуқуққа эга бўлган шахс, ижарачи, пудратчи, сақловчи, воситачи ва бошқа шу кабилар фойдасига суғурта шартномаси бўйича суғурталаниши мумкин.

Наф олувчи фойдасига мол-мулкни суғурта қилиш шартномаси наф олувчининг исми ёки номи кўрсатилмасдан тузилиши ҳам мумкин. Бундай шартнома тузилган чоғда суғурта қилдирувчига эгасининг номи кўрсатилмаган суғурта полиси берилади.

Хўш, мол-мулкнинг суғурта қиймати тушунчаси деганда, нима англашилади? У ҳақда нималарни билишимиз керак?

Таъкидлаш лозимки, суғурта шартномасини тузиш пайтида тарафларнинг келишувига кўра, аниқланадиган, суғурта манфаати билан боғланадиган мол-мулк қиймати, агар қонун ҳужжатларида бошқача тартиб назарда тутилмаган бўлса, суғурта қиймати (суғурта баҳоси) деб ҳисобланади. Мол-мулкнинг шартномада кўрсатилган суғурта қиймати устида кейинчалик низолашиш мумкин эмас. Шартнома тузилгунга қадар суғурта хавфини баҳолаш бўйича ўз ҳуқуқидан фойдаланмаган суғурталовчи суғурта қийматидан била туриб чалғитилган ҳол бундан мустасно. Мол-мулкни суғурталаш шартномаси тузилганида суғурталовчи суғурта қилинаётган мол-мулкни кўздан кечириш, ҳатто унинг ҳақиқий қийматини белгилаш ниятида экспертиза тайинлашга ҳақли.

Борди-ю, мол-мулкни суғурталаш шартномадаги суғурта пули қийматидан кам қилиб белгиланган бўлса, суғурталовчи суғурта ҳодисаси юз берганида суғурта қилдирувчига (наф олувчига) у кўрган зарарни суғурта пулининг суғурта қийматига бўлган нисбатига мутаносиб равишда қоплаши шарт. Агар мол-мулк суғурта қийматининг бир қисми миқдорида суғурталанган бўлса, бундай ҳолда суғурта қилдирувчи (наф олувчи) қўшимча суғурта қилишга, шу жумладан, бошқа суғурталовчида суғурта қилишга ҳақли. Юқорида ҳам таъкидлаб ўтганимиздек, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга, мулкини ўзи истаганидай, қонун доирасида тасарруф этишга ҳақли. Ушбу мезон Асосий қонунимизда фуқароларнинг мулкка эгалик қилиш ҳуқуқи қатъий кафолатланганидан далолат беради. Шунингдек, суғурта муносабатларига оид қонунчилик фуқароларнинг мулкка бўлган ҳуқуқини рўёбга чиқариш, манфаатлари бузилишининг олдини олишга хизмат қилади.

**Ғолибжон НУРИМОВ,**
*фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судининг судьяси*

*Mulohaza*

**Ота-боболаримиз азал-азалдан фарзанд тарбиясига алоҳида эътибор билан қараб келишган. Бу бежиз эмас, албатта. Нега деганда, фарзанд ҳар бир инсоннинг ҳаёти мазмуни, авлодлар бардавомлигини таъминлайдиган муҳим ҳалқадир. Ёшларнинг ҳаётда ўз ўрнини топиши, касб-ҳунарни эгаллашига кўмаклашиш ҳар биримизнинг зиммамиздаги масъулиятли бурчдир. Мустақиллик йилларида юртимизда суд-ҳуқуқ тизимида олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, айниқса, жиноий жазо тизимининг либераллаштирилгани натижасида қонунларимизда ўзининг теран ифодасини топган халқимизга хос бағрикенглик, кечиримлилик, йиқилганни суяш, адашганга тўғри йўл кўрсатиш каби тамойиллар ҳам ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлашга хизмат қилаётир.**

# Ёшларимиз — келажагимиз эгалари

## бинобарин, уларнинг тарбиясига доимий равишда эътибор қаратмоғимиз даркор

Таъкидлаш жоизки, бугун юртимизда вояга етмаганларга жазо тайинлашда ўзига хос мезонларга таянилади. Айни пайтда вояга етмаган шахсларнинг катта ёшдагилар иштирокида содир этган жиноятларига баҳо беришнинг ҳам ўз мезонлари бор. Бошқача айтганда, катта ёшдагиларнинг вояга етмаган шахсни жиноий ёки ғайриижтимоий ҳаракатга жалб қилишдаги таъсири судлар томонидан моддий ва процессуал нормаларга тўлиқ риоя қилинган ҳолда ҳал этилади.

Судланувчи С.Ўралов ўтган йилнинг 14 январь куни ўзганинг мулкини яширин равишда талонторож қилиш мақсадида 1994 йилда туғилган Ш.Мирзаев ва 1995 йилда туғилган Н.Носиров билан жиноий тил бириктиради. Улар Ш.Солиеванинг уйи эшигини бузиб, ичкарига киришади ва 1 миллион 341 минг сўмлик мулкни ўғирлаб кетишади.

Жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳри суди судланувчи С.Ўраловни Жиноят кодексининг 127-моддаси 3-қисми, 169-моддаси 3-қисми «а» банди билан айблаб, олти йилу уч ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш тўғрисида ҳукм чиқарди.

Суд вояга етмаган Ш.Мирзаев ва Н.Носировни Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисми «б», «в», «г» бандлари билан айбли топди ва барча эътиборга молик жиҳатларни инобатга олган ҳолда уларнинг ҳар бирига энг кам ойлик иш ҳақининг беш баравари миқдорида жарима жазоси тайинлади, жамоат тарбиячиси белгиланди.

Таъкидлаш керакки, суднинг инсонпарварлик, одиллик тамойилларига таяниб, вояга етмаган судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўллагани теран мазмунга эга. Чунки оиладан айирмасдан, жамоат тарбиячиси ёрдамида қайта тарбиялаш уларнинг келгусида тўғри йўлга тушиб олиши учун берилган катта имкониятдир.

Шу ўринда вояга етмаганларга нисбатан қонунчилигимизда яна бир қатор ўзига хос мезонлар ўрнатилганини таъкидлаш жоиз. Аниқроқ айтганда, вояга етмаган шахснинг жинояти ҳақидаги ишни юритишда қонуний вакилнинг қатнашиши шарт. Бунда қонуний вакилнинг ишда иштирок этишига суриштирувчи ёки терговчининг қарори бўйича вояга етмаган шахсни гумон қилинувчи ёки айбланувчи тариқасида биринчи сўроқ қилиш пайтидан бошлаб йўл қўйилади. Вояга етмаган шахс ва унинг қонуний вакили ўзлари хоҳлаган ҳимоячини ишда иштирок этишга таклиф қилиш ҳуқуқига эга. Шунингдек, қонун талабига кўра вояга етмаган гумон қилинувчи ёки айбланувчи ҳимоячи иштирокида сўроқ қилинади. Сўроқ қилиш чоғида терговчининг рухсати билан вояга етмаган шахснинг қонуний вакили, педагог ёки психолог иштирок этиши мумкин. Вояга етмаган айбланувчини сўроқ қилиш бир кунда олти соатдан ошмаслиги керак.

Албатта, бундай мезонлар суд амалиётига ҳам татбиқ этилмоқда. Чунончи, рақамларга мурожаат қиладиган бўлсак, 2010 йилнинг биринчи ярим йиллигида вилоятда ўнта жиноят иши бўйича судланган ўн беш нафар вояга етмаган шахснинг ўн нафари (66,6 фоизи)га жарима, бир нафари (6,6 фоизи)га ахлоқ тузатиш иши, бир нафари (6,6 фоизи)га озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, уч нафари (20 фоизи)га шартли ҳукм чиқарилган.

Сўнгги сўз ўрнида шуни айтмоқчимизки, ёшлар бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг эгалари. Бу эса ёшлар билан боғлиқ ҳар бир масаланинг ниҳоятда долзарб эканини кўрсатади. Жумладан, ёшларимизнинг тарбиясига жиддий эътибор қаратиш уларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етишининг гаровидир. Шундай экан, ота-оналар, устоз-мураббийлар ва умуман, таълим-тарбияга масъул кишилар ҳали оқу қорани яхши танимайдиган йигит-қизларимизнинг камол топиши, тўғри йўлдан тоймаслиги учун жонбозлик кўрсатишса, ўйлаймизки, бугунги ёшларимиз эртага дунёқараши кенг, салоҳиятли, оқил инсонлар бўлиб улғайишади.

**Шуҳрат ХУДОЁРОВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жиззах вилояти судининг судьяси*




*Ehtiyot bo`ling, firibgar!*




(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Орадан бир неча кун ўтгач, Ф.Барноева яна фолбин аёлнинг эшигини қоқди.

— Айланай, сингилжон, — дея гап бошлади «меҳрибонлик» билан фолбин, — сизни кўролмайдиганлар жуда кўп экан. Ўқиб ҳалигача тугатолмадим-а! Кейинроқ яна бир хабар олинг.

«Хўп» деб эндигина ортига қайтган Фаридани фолбин яна тўхтатди:

— Сиз бозорда ишлайсиз, танишларингиз кўп. Менга яхши диван-кресло керак эди. Шу кунларда харажатларим кўпайиб кетди. Шунга насияга олиб бериб турсангиз, илтимос, яхшилигингизни ерда қолдирмайман.

Унинг раъйини қайтара олмаган Фарида бозорда мебель сотадиган Турғун Пўлатовдан илтимос қилиб, фолбиннинг уйига ўша куни кечқурунок диван-креслони олиб келиб берди. Аммо шунга қарамай ўзининг иши сира юришай демасди. Бунинг устига фолбиннинг уйига тинимсиз қатнамасин, барибир, на «дам солиш» учун берган пули ва тилла тақинчоқларини, на диван-креслонинг пулини қайтариб олди.

Буни қарангки, фирибгар аёлнинг тузоғига тушган биргина Фарида Барноева эмасди. Замира Толипованинг кўрган-кечирганлари уникидан ҳам ўтиб тушади.

Гап шундаки, З.Толипова эридан шубҳаланиб, фолбиндан нажот излайди. Дилором фолбинга эса айнан шу керак эди.

— Сиз кўп касал бўларкансиз, — дейди у ваҳима билан. — Бунга бегона аёлнинг эрингиз билан сизнинг орангизга суқилиб кираётгани сабаб бўляпти. Қайтарма қилдиришингиз керак. Етти дона тилла тақинчоғингизни бугуннинг ўзида менга етказинг. Уларни қабристонга кўмиб, дам соламан. Бир ҳафтадаёқ сен кўр-мен кўр бўлиб, соғайиб кетасиз, оилангиз ҳам тинчийди.

Ичини асоссиз рашк ўти куйдираётган, ақл билан иш тутиш ўрнига «миш-миш»ларга буткул ишонган Замира умумий нархи тўрт миллион сўмлик мол-мулкини фолбиннинг қўлига қандай тутқазганини ўзи ҳам билмай қолди. Айтилган муддат ўтгач, у яна фолбиннинг олдига келди. «Мижоз»ининг соддалиги, нима деса ишонаверишидан «унумли» фойдаланишга аҳд қилган фолбин ундан 44 минг 950 сўм пул ва жами 1 миллион 525 минг сўмлик чинни идишлар, ёстиқ жилдлари сингари буюмларни «дам солиш» баҳонасида олиб қўяди...

Фолбиндан «нажот» излаганлардан яна бири Салима опа эди. Уни қизининг рўзғори нотинчлиги безовта қиларди. Кимдандир Заргарлик маҳалласида яшовчи Дилором фолбиннинг «каромат»лари ҳақида эшитган Салима опа ўйлаб ўтирмай унинг ҳузурига югурди.

— Қизингизни ҳам олиб келинг, — деди фолбин. — Қайтарма қиламан. Ҳа, айтганча, келишда тилла зирак, тилла узук, тилла занжир, исириқ, сув, атир совун, 110 минг сўм пул ҳам келтиринг. Улар дам солганимдан сўнг ўзларингизга қайтариб бераман. Қўл ҳақига 50 минг сўм берсангиз кифоя.

Афсуски, фирибгарнинг ҳийлалари шу билан ҳам тугамайди. Унинг алдовига ишонган она-бола Салима ва Шоира Раҳимовалар эса қандай қилиб 4 миллион 152 минг 300 сўмлик мулкини бериб юборганини ўзлари ҳам билмай қолишди.

Фирибгар Д.Қўчқорованинг алдовига учган жабрланувчиларнинг рўйхати узун. Юқорида улардан айримларини мисол тариқасида келтирдик, холос. Хўш, ишончни поймол қилган, фириб йўли билан мол-мулк орттиришга қасд қилган Дилором Қўчқорова деганлари ким ўзи?

1961 йилда Қўқон шаҳрида туғилган Д.Қўчқорова 1980 йилда турмуш ўртоғи билан Жиззах шаҳрига кўчиб келади. Турли сабаблар билан дарз кетган оилани тўрт нафар фарзанд ҳам асраб қололмайди. Шундан сўнг ўзига фирибгарликни касб қилиб олган Дилором Қўчқорова содда, ишонувчан одамларни алдаб кун кечиришга ўтади.

Албатта, бу ҳаётда нопок қилмиш ҳеч қачон жазосиз қолмайди. Фирибгар Дилором Қўчқорованинг жиноий қилмишлари ҳам судда тасдиғини топиб, унга нисбатан тегишли жазо тайинланди.

Шу ўринда бир мулоҳаза кишини ўйлантиради. Фирибгар Д.Қўчқорованинг алдовига учган, мол-мулкини унинг қўлига қўшқўллаб топширган кишилар тўғрисида нима дейиш мумкин? Ахир, тайини йўқ, одамларда сохта тасаввур уйғотадиган фолбинларга ишониб бўладими?

Ҳолбуки, турмушимизнинг тинч-осойишталиги кўп жиҳатдан ўзимизга боғлиқ. Асоссиз миш-мишлар эса ҳаловатни ўғирлаб, кўнгилга ғулғула солади. Устига-устак, муқаддас динимизда ҳам, ахлоқий қадриятларимизда ҳам бидъат ва хурофот қаттиқ қораланади. Шундай экан, ҳаётга тўғри кўз билан қараш, соғлом фикрга таяниш лозим.

**Собир ЭРГАШЕВ,**
*жиноят ишлари бўйича Жиззах шаҳар судининг судьяси*
**Абдуҳамид ХУДОЙБЕРДИЕВ,**
*«Куч – адолатда» мухбири*

Ўзбекистон Республикаси Олий суди жамоаси тажрибали ҳуқуқшунос **Хусен БАХРАМОВ**нинг вафоти муносабати билан оила аъзоларига таъзия билдиради.

*Fuqarolik qonunchiligi*

# Меҳр-оқибат

## қонун билан мустаҳкамланади

(Давоми. Бошланиши учинчи бетда)

Айтиш керакки, ушбу турдаги шартнома номуайян муддатга тузилган шартнома ҳисобланади.

Фуқаролик кодексининг 534-моддасида назарда тутилганидек, олувчи вафот этган тақдирда, умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми), квартирани бошқа шахсга бериш шартномаси бўйича мажбуриятлар унинг ворисларига ўтади. Олувчининг ворислари бўлмаганида ёки улар умрбод таъминлаш шарти билан уй-жой (уйнинг бир қисми) квартирани бошқа шахсга бериш шартномасини бажаришдан воз кечганда олувчига берилган уй-жой (уйнинг бир қисми), квартира уни бошқа шахсга берувчига қайтарилади.

**Ирина БОНДАРЕВА,**
*Шайхонтоҳур тумани 10-сон Давлат нотариал идораси нотариуси*

*G'aroyib olam*

# Турфа ҳангомалар

Овозсиз кинонинг машҳур актёри, америкалик Лон Чаней бошқаларнинг қиёфасига киришга уста эди.

Кунлардан бир куни Чарли Чаплин у билан айланиб юрганда йўл четидаги катта қўнғизни кўриб қолади.

— Эҳтиёт бўлинг, — дейди Чаплин, — уни босиб олманг! Эҳтимол у қўнғиз қиёфасига кириб олган Лон Чанейдир.

☺ ☹ ☺

Чарли Чаплин меҳмонхонадан чиқаётиб эшик оғасига йигирма франк чойчақа беради. Швейцар эса норози бўлиб минғирлайди:

— Ўтган гал сизнинг саломатлигингиз учун ичиб қўйишимни сўраб қирқ франк берувдингиз.

— Бу гал ўзимни анча яхши ҳис қиляпман, — дея жавоб қилади ҳозиржавоб артист.

☺ ☹ ☺

Америкалик комик артист, 20-йилларда анча шуҳрат қозонган Фатти Арбэкльни дўстлари совуққон, беғам одам деб ҳисоблашарди. Бир куни мюзик-холл директори артистдан томошабинлар ҳузурида чиқиш қилишни илтимос қилади. Фатти рози бўлади, аммо хизмат ҳақини келишишда «Мени бутун Америка танийди» дея анча оширворади.

Бу даврга келиб Фаттининг шуҳрати сўна бошлаганди. Шу боис ҳам томошабинлар ҳам сийрак бўлади. Бундан аччиғланган директор иддао билан артистга зуғум қилади:

— Ҳаммаси барбод бўлди! Яна уни бутун Америка танирмиш!

— Кўриб турибсиз-ку, — артист пинагини бузмайди.

— Залга қаранг, бор-йўғи ўнтача одам ўтирибди.

— Тўппа-тўғри. Ана ўша ўнта одам ҳозирча мени танимайди, — хотиржам жавоб қилади артист.

☺ ☹ ☺

Америкада Чарли Чаплинга тақлид қилувчи артистларнинг танлови ўтказилади. Голливудда ўтказилган ана ўша танловга Чаплиннинг ўзи ҳам яширинча келиб қатнашади. Танлов комиссияси мусобақа натижасини эълон қилганда Чаплиннинг учинчи ўринни олгани маълум бўлади.

☺ ☹ ☺

Альберто Сордининг атрофини мухлислари қуршаб дастхат олаётганди. Уларнинг орасини аранг ёриб ўтган бир кекса хоним машҳур артистдан илтимос қилади:

— Синьор Сорди, сиз қарияларга ҳам дастхат берасизми?

— Албатта, — дейди ҳеч кимнинг кўнглини қолдирмайдиган Сорди жилмайиб. — Аммо қани ўша қария?

☺ ☹ ☺

Кунлардан бир куни Вильям Шекспир ўзининг «Ричард III» пьесаси кўригида актёрлардан бирининг ёшгина, чиройли бир хизматкор қиз билан қизғин суҳбатлашиб турганини кўриб қолади. Беихтиёр уларга яқинлашганда қизнинг гаплари эшитилади:

— Соат ўнда келиб, эшикни уч марта тақиллатасан. «Ким у?» деганимда сен «Ричард III» деб жавоб берасан.

...Шекспир актёрдан анча олдин қизникига боради.

Келишилган вақтда ҳалиги актёр ҳам келади. Шекспир дераза тирқишидан секин сўрайди:

— Ким у?

— Ричард III, — деган жавоб бўлади.

— Ричард, — дейди Шекспир, — сен жуда кеч келдинг. Босқинчи қалъани забт этиб бўлди.

☺ ☹ ☺

Машҳур француз актёри Поль Муне иштирокидаги театр труппаси гастролларга борганда майда роллар учун актёрларни олиб боришмасди. Бунақа роллар учун ижрочиларни маҳаллий ҳаваскорлар орасидан топишарди.

Шундай ҳаваскорлардан бирига хизматкорнинг «Монсеньор, соқов келди», деган ягона луқмасини ижро этиш топширилади.

Пойтахтдаги машҳур артистлар билан бир спектаклда роль ўйнаётганидан ҳаяжонланган ҳаваскор саҳнадаги ижросини андак бўлсада чўзиш учун ўзидан ҳам андак қўшиб шундай дейди: «Монсеньор, соқов келди... ва у сиз билан гаплашмоқчи».

Унга хатосини тузатиш учун имконият яратиш мақсадида Муне шундай дейди:

— Унинг соқов эканлигига ишончингиз комилми?

— Ҳарқалай, ўзи шунақа деяпти! — ҳаваскор баттар қовун туширади.

*(Давоми бор)*
**Шодмон ОТАБЕК тайёрлади.**

**КУЧ—АДОЛАТДА**

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Бош муҳаррир: Шодиқул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Бўритош МУСТАФОЕВ
Олимжон ИСМАИЛОВ
Шерали РАҲМОНОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Нуриддинжон ИСМОИЛОВ
Зарифжон МИРЗАҚУЛОВ
Муҳаммад АЛИ
Омонбой ОҚЮЛОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Дилбар СУЮНОВА
Масардин ҲАСАНОВ
Юлчибой ТУРСУНБОЕВ
Шоюнус ҒОЗИЕВ
Баҳриддин НАИМОВ

Навбатчи муҳаррир: Отабек САФАРОВ
Саҳифаловчи: Шерзод ХАЙРУЛЛАЕВ

Газета «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида офсет усулида босилди. Манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1.
E-m@il: kuch-adolatda@mail.ru
Тел.: 239-02-54, 239-02-55

Буюртма: Г-118. Қоғоз бичими: А-2. Сотувда эркин нархда. Адади: 8930. 1 2 3 4 5 Топширилди: 22³⁰